inScience
through time and space

Special Issue 05.2021

Jamiyat va innovatsiyalar

# Society and innovations

Общество и инновации

eoretical bases of assessment of ading comprehension skills in mother tongue education

Sh.Abdiraimov

Learning professional terminology using an interactive learning method

Kh.Akhmedova

Development of multilingualism in Uzbekistan, the choice of a second foreign language

D.Adilova, N.Rajapova




ISBN 978-1-934293-06-5

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ


**Совершенствование профессиональной и педагогической подготовки будущих преподавателей технологического образования**

Шахноза Кулиева , Камола Холматова 49-53

Просмотров аннотации: 24 |

PDF (Ўзбек)

**Этико и семантическая интерпретация языковых единиц выражающих концепцию слова "Дружба" на английском и узбекском языках**

Нилуфар Абдуназарова 1-6

Просмотров аннотации: 13 |

PDF (Ўзбек)

**Определение ведущих педагогических закономерностей и основополагающих принципов формирования информационной культуры детей школьного возраста**

Уткир Йулдошев , Уктамжон Жуманкузиев 68-76

Просмотров аннотации: 1 |

PDF

**Использование исторических источников в повышении содержания предмета "Композиция" в высшем педагогическом образовании**

Муниса Хасанова 112-118

Просмотров аннотации: 2 |

PDF (Ўзбек)

**Коммуникативно-системно-деятельностный подход в обучении английскому как второму языку**

Зарнигор Бахриддинова, Гульмира Джурабоева, Одина Бахриддинова, Отабек Юсупов 83-88



Активация Windows
Чтобы активировать Windows, перейдите в параметры [cut off]
компьютера.

inScience

Жамият ва инновациялар –
Общество и инновации –
Society and innovations
Journal home page:
https://inscience.uz/index.php/socinov/index



# Improving vocational and pedagogical training of future technological education teachers

**Shahnoza KULIEVA**[1], **Kamola KHOLMATOVA**[2]

Bukhara State University

ARTICLE INFO

*Article history:*
Received April 2021
Received in revised form
20 April 2021
Accepted 15 May 2021
Available online
25 June 2021

*Keywords:*
personality,
technology,
pedagogical education,
continuity of education,
socialization of education,
equivalence of education,
pedagogical reflection,
professional development.

ABSTRACT

In the article, the future of technological education is considered as a process of realizing the potential of the personal and professional development of a future teacher, and creativity is considered as an objective need in the design of one's professional activity. The ideas of individual design of the process of professional training of teachers are considered as an objective leading criterion of professional pedagogical education.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.
This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru)

# Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш

*Калит сўзлар:*
шахс,
технология,
педагогик таълим,
таълимнинг узлуксизлиги,
таълимнинг ижтимоийлашуви,
таълимнинг эквивалентлиги,
педагогик аксланиш,
касбий шакллантириш.

АННОТАЦИЯ

Мақолада бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда кабий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишда бўлажак ўқитувчининг шахсий ва касбий ривожланиши ўз имкониятларини рўёбга чиқариш жараёни, ижодкорлик эса касбий фаолиятини лойиҳалашга бўлган объектив эҳтиёж сифатида қаралади. Ўқитувчининг касбий тайёргарлик жараёнини индивидуал лойиҳалаш ғоялари касбий-педагогик таълимнинг объектив етакчи мезони ҳақида фикр юритилган.

[1] PhD, associate professor, Bukhara State University. Bukhara, Uzbekistan.
[2] 1-course master, Bukhara State University. Bukhara, Uzbekistan.

inScience
through time and space
Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations
Special Issue – 5 (2021) / ISSN 2181-1415

# Совершенствование профессиональной и педагогической подготовки будущих преподавателей технологического образования

*Ключевые слова:*
личность, технология, педагогическое образование, преемственность образования, социализация образования, эквивалентность образования, педагогическая рефлексия, профессиональное становление.

## АННОТАЦИЯ

В статье будущее технологического образования рассматривается как процесс реализации потенциала личностного и профессионального развития будущего учителя, а творчество – как объективная потребность в проектировании своей профессиональной деятельности. Идеи индивидуального проектирования процесса профессиональной подготовки учителей рассматриваются как объективный ведущий критерий профессионального педагогического образования.

Инсоният тарихи мавжуд босқичининг моҳияти ижтимоий маданиятнинг замонавий цивилизация, тараққиёт келтириб чиқарган муаммолар таъсирида яна бир бор тарихий синовдан ўтаётганлиги тавсифланади. Айни вақтда, жамият тараққиётида ижтимоий жараённи жадаллаштирувчи технологик ривожланишнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этишини эътиборга олиб, уни техноген цивилизация деб аташ мумкин. Бундай цивилизациянинг асоси муайян қадриятлар тизимига қурилади.

Педагогик фаолиятнинг инсонпарварлик тамойилига асосланувчи парадигмаси қуйидаги мезонларга таянади:

– таълимнинг ижтимоийлашуви – ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига нисбатан технократик ёндашувдан воз кечиш, улар томонидан нисбатан ўзлаштириладиган билимлар мажмуасининг педагогик ҳамда психологик хусусият касб этишини таъминлаш, ўқитувчиларда умуминсоний, умуммаданий қадриятлар мазмунида илгари сурилган ғояларга асосланган ижтимоий тафаккурни шакллантириш;

– миллий ҳамда жаҳон маданияти асослари ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиш;

– таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишда миллий истиқлол ғояларига асосланиш;

– шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда мустақил таълим олишга бўлган лаёқатига таяниш ва уни такомиллаштириш;

– ўқитувчиларнинг касбий жиҳатдан шакллантириш жараёнида ўқитувчи ҳамда талабаларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришларига эришиш;

– таълим (хусусан, касб таълими) жараёнида ўқув дастурларининг талабалар қобилияти ҳамда қизиқишларига кўра танлаб олиниши борасидаги имкониятнинг мавжудлиги;

– педагогик таълимнинг фундаментал хусусият касб этиши, яъни, талабалар томонидан ўзгарувчан шароитларда шахс ижодий ривожи асосини таъминловчи инвариант билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш;

– меҳнат бозори ҳамда ижтимоий жараёнларда юзага келувчи ҳамда доимий равишда ўзгариб турувчи, эҳтиёжларга тўлақонли жавоб бера оладиган таълим тизимини шакллантириш, шу асосда касбий мослашувчан мутахассисларни тарбиялаш;

– таълимнинг узлуксизлиги, таълимнинг ҳар бир жараён босқичининг натижаланишини таъминловчи касбий таълим (кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш) дастурларининг тизимнинг яратиш ва ривожлантириш, муайян дастурни таълимнинг у ёки бу босқичида ўқитилиши ёки ўқишни бошқа типдаги ўқув муассасасида давом эттира олиш имкониятини бера олиши;

– таълимнинг эквивалентлиги, яъни унинг давлат таълим стандарти, миллий маданияти ва менталитет, шунингдек, халқаро меъёрларга мувофиқ даражаси.

Технологик таълим ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлигининг юқори даражада бўлишига эришиш қуйидаги ҳолатлар мавжудлигини тақозо этади:

– ўқитувчининг касбий ва шахсий шаклланиш даражаси бу йўлда ташкил этилган жараённинг умумий моҳиятини ёритувчи педагогик тизим самарадорлигига чамбарчас боғлиқлиги;

– ўқитувчининг касбий жиҳатдан шакллантиришни таъминловчи жараёнларининг ташкилий бошқаруви мақсадга мувофиқ тарзда такомиллашиб бориши;

– рефлексив бошқарув ўқитувчини касбий жиҳатдан шакллантиришдан кўзланган мақсаднинг натижаланишини кафолатлайди. Рефлексив бошқарув аниқ мақсадда ташкил этилаётган жараён хусусиятларини максимал даражада ҳисобга олиш, шунингдек, ҳар бир таъсирни унинг мазмунида намоён бўлувчи қонуниятлар билан мувофиқлаштиришни талаб этади.

Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш жараёнини ташкил этишда унинг умумий ташкилий асослари, мазмуни, шакл ҳамда методларини белгиловчи асосий қонуниятларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик фаолият назарияси ва амалиётида мезонларнибелгилаш, уларни асослашга нисбатан умумий талаблар мавжуддир. Мазкур мезонлар шахс шаклланишининг асосий қонуниятларини ўзида акс эттириш билан бирга, таълим соҳасида миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга ўсиб ўтишини таъминлайди.

Технологик таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришни таъминловчи педагогик тизим моҳиятини асословчи мезонлар бир қатор сифат кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланадики, уларнинг аниқланиши қайд этилган мезоннинг аҳамияти хусусида сўз юритиш имконини беради; иккинчидан, мезонлар ўлчанаётган сифат кўрсаткичининг вақт оралиғи, ижтимоий маданий муҳит ва талаба шахсининг ривожланиб бориши жараёнидаги ўзгаришини ўзида акс эттира олиши лозим; учинчидан, мезонлар мумкин қадар педагогик фаолиятнинг барча жабҳаларини қамраб олиши зарур.

Ўқитувчининг шахсий ва касбий ривожланиши ўз имкониятларини рўёбга чиқариш жараёни, ижодкорлик эса касбий фаолиятини лойиҳалашга бўлган объектив эҳтиёж сифатида қаралади. Ўқитувчининг касбий тайёргарлик жараёнини индивидуал лойиҳалаш ғоялари касбий-педагогик таълимнинг объектив етакчи мезони бўлиб қолмоқда.

Технологик таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг ташкилий-методик мезонлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

Касбий таълим мазмунининг шахсга йўналтирилганлиги. Мазкур мезоннинг амалга оширилиши бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнини қуйидаги йўналишда ўзгартиришни кўзда тутади: ўқитувчининг бир бутун шахс сифатида ривожланиши, ўқитувчи онгини касбий фаолияти йўналишида қайта йўналтирилиши ҳамда ўқитувчининг касбий фаолиятига татбиқ этиши лозим бўлган идеал ва қадриятларни ўзлаштириши.

Касбий таълим мазмунининг касбий фаолиятга йўналтирилганлиги. Ушбу мезон биринчидан, ўқитувчининг шаклланиш жараёнини лойиҳалашнинг интеграл тавсифда эканлигини таъкидлайди; иккинчидан, уни лойиҳалашнинг аниқ шаклларини белгилайди; учинчидан, ўқитувчининг ижодий куч-қувватини ишга солиш йўлларини ҳамда воситаларини кўрсатиб беради, бу билан уни педагогика фани ва амалиёт босиб ўтган йўлни қайта такрорламасликка олиб келади.

Касбий фаолиятнинг педагогик аксланиш (рефлексия) мезони. Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мазкур мезоннинг амалга оширилиши ўқитувчида ўзини шахс сифатида доимий такомиллаштириб боришга бўлган эҳтиёжни тарбиялайди. Бунинг учун у касбий фикрлаш, рефлексив сифатларни ривожлантиради, аниқ касбий фаолиятни амалга ошириш учун мақсадга мувофиқ бўлган шакл ва методларни шакллантиради. Бу ўринда асосийси – касбий фаолият, яъни мақсад, фаолиятни амалга ошириш шароитлари тўғрисида тушунчалар, ҳаракат дастури, фаолият натижаларини баҳолаш мезонлари, фаолият натижаларини баҳолашни рационал йўлга қўйиш ҳолатларининг аниқланишидир. Мазкур мезон ўқитувчи ҳаракатларининг тавсифини ҳамда усулларини белгилаб беради. Бунинг учун ўқитувчининг педагогик маданият тимсоли сифатидаги касбий фаолият модели унинг касбий хулқи учун намуна бўлиб қолади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг касбий такомиллашувга интилувчанлигини оширувчи шахснинг маънавий-ахлоқий қарашларини фаоллаштиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Muhidova O.N. Methods and tools used in the teaching of technology to children // ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), (2020). – PP. 957–960.

2. Muhidova Olima Nurilloyevna. Forming technological competence using visual tools in technology lessons // Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 11 Issue 1, January 2021. – PP. 852–855.

3. Muhidova O.N. Development of creative abilities in technology lessons // International journal of discourse on innovation, integration and education. Vol. 2 No. 2 (2021). – PP. 119–122.

4. Halimovna K.S., Nurilloevna M.O., Radzhabovna K.D., Shavkatovna R.G., Hamidovna The role of modern pedagogical technologies in the formation of students' communicative competence. // Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades 4 No. 15 (2019): Special Issue May. – PP. 261–265.

5. Uzokov O.Kh., Muhidova O.N. Factor determining the efficiency of innovative activities of a teacher // International journal of discourse on innovation, integration and education. Vol. 2 No. 1 (2021). – PP. 81–84.

6. О.Н. Мухидова. Компетентностный подход к развитию профессиональной деятельности учителя // Вестник науки и образования 97 (№ 19 (97). Часть 2). – С. 88–91.

7. Мухидова О.Н. Электронное обучение в высшем образовании // Вестник магистратуры, 1-5 (100). – 2020. – С 43–44.

8. Кулиева Ш.Х., Расулова З.Д. Формирование профессионально-педагогической компетентности будущих специалистов на основе информационных технологий // Молодой учёный, 2016. № 8 (112). – С. 977–978.

9. Кулиева Ш.Х., Расулова З.Д. Инновационная деятельность педагога в образовании // Молодой учёный, 2016. № 8 (112). – С. 978–979.

10. Кулиева Ш.Х., Каримова М.Н. Использование современных дидактическое средств в обучении специальных предметов // Педагогические науки. Москва, 2015. №1. – С. 85–89.

11. Кулиева Ш.Х. Интенсификация процесса проектирования одежды // Молодой учёный. Казан, 2016. № 9 (113). – С. 193–196.

12. Кулиева Ш.Х. Методологические основы системного подхода при подготовке учителей // The Wayof Science. № 5 (39) ,2017. – С. 66–67.

13. Аноркулова Г.М., Кулиева Ш.Х., Расулова З.Д. Методологические основы системного подхода при подготовке учителей профессионального обучения // Молодой учёный. 93:13 (2015). – С. 588–590.

14. Аноркулова Г.М., Кулиева Ш.Х., Расулова З.Д. Модель подготовки учителей профессионального образования на основе системного подхода // Молодой учёный. 93:13 (2015). – С. 590–592.

15. Кулиева Ш.Х., Хамроева Х.Ю., Расулова З.Д. Учебный процесс как педагогическая система в процессе подготовки учителей профессионального обучения // Молодой учёный. 56:9 (2013). – С. 383–385.

16. Кулиева Ш.Х. Подготовка учителей профессионального образования на основе системного подхода // Scienceandworld. № 5 (45), 2017. – С. 70–72.

17. Кулиева Ш.Х. Содержание эффективности и качества подготовки будущих учителей трудового образования // Наука без границ. № 7(12)/ 2017. – С. 95–98.